

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 19 январь  
сешанба  
№ 02 (1258)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



ОНА КҮКСИГА ТАЛПИНГАН МУРФАК ГҲДАКНИНГ  
МИТТИ ҚҮЛЧАЛАРИ ҲАВОДА ҚОЛДИ. НЕГА?

5-БЕТ



НОТИНЧ ОИЛА — ЖАМИЯТ  
УЧУН МУАММО

7-БЕТ

ҚАРИЯЛАРНИНГ  
ҲАЗИЛИ (СҲИҚОЯ)

8-БЕТ

## ДХМ учун янги бино:

“Қишнинг аёзли, ёзнинг  
жазирама кунларида  
қийналмайдиган бўлдик”



ТОШКЕНТ вилоятида  
Давлат хизматлари марказла-  
рининг янги биноси яна биттага  
кўпайди. Навбатдаги манзил  
Чиноз тумани бўлди. Ўзига хос  
ландшафт архитектураси ва  
дизайнига эга бўлган марказ-  
нинг янги биноси туманининг  
бугунги қиёфасига жуда ярашиб  
турибди.

Чиноз туман давлат хиз-  
матлари маркази янги биноси-  
нинг очилишига бағишланган  
тадбирда Адлия вазирлиги  
хузуридаги Давлат хизмат-  
лари агентлиги директори  
Улугбек Муҳаммадиев, туман  
ҳокимлиги, давлат ва жамоат  
ташкilotлари масъуллари,  
меҳнат фахрийлари ҳамда  
кенг жамоатчилик вакиллари  
иштирок этди.

Мазкур бинода яратилган  
шароитлар бу ерга келувчилар-  
га сифатли хизмат кўрсатиш  
имконини яратади. Она ва  
бола хонаси, тиббиёт хонаси,  
буфет, мўъжазгина кутубхо-  
на, кутиш ва ўз-ўзига хизмат

кўрсатиш жойлари аҳоли учун  
қўшимча қулайликдир.

Айни кунда туманда 135  
мингдан ортиқ аҳоли истиқомат  
қилади. Маълумотларга кўра,  
2020 йилда марказ томонидан  
29 мингга яқин давлат хизматла-  
ри кўрсатилди. Яқка тартибдаги  
давлат рўйхатидан ўтказилди.  
— Янги марказ биноси-  
нинг қурилишида замонавий  
ахборот-коммуникация техно-  
логияларидан фойдаланиш  
имкониятларига алоҳида эъти-  
бор қаратилди, — деди Чиноз  
туман Давлат хизматлари  
маркази директори Муроджон  
Иброҳимов. — Бу, ахборот ти-  
зимларини идоралараро инте-  
грация қилинишини яхшилаб,  
аҳолига давлат хизматларини  
қулай ва ўз вақтида олиш имко-  
нини беради. Ташриф буюрув-  
чиларнинг навбатини тартибга  
солиш ва хизмат кўрсатишни  
баҳолаб бориш мақсадида


Швециянинг “QMATIC” компа-  
ниясида харид қилинган элек-  
трон навбат ҳамда баҳолаш  
тизими ўрнатилди.  
Кенг ва ёруғ, шинам хона-  
ларда аҳолига бир вақтнинг  
ўзиде 150 га яқин тезкор, қу-  
лай, шаффоф давлат хизмат-  
лари кўрсатилади. 20 та қабул  
ойнаси орқали кунига 300-400  
фуқарога хизмат кўрсатиш  
имконияти яратилган. Элек-  
трон навбат тизими эса 6 та  
мониторда акс этиб туради.  
Эски ҳайдовчилик гувоҳно-  
масини янги намунадагисига  
алмаштириш хизмати ҳам йўл-  
га қўйилади. Бу қулайликлар  
марказ ходимларини жисмоний  
ва юридик шахсларга янада  
тез ва сифатли хизмат кўрсати-  
шига имкон яратади.  
Марказ биносиде Бош вазир  
қабулхонаси, нотариус ва адлия  
бўлимлари ҳам жойлашган.

ДХА Тошкент вилояти  
бошқармаси Жамоатчилик ва  
ОАВ билан алоқалар бўлими

## ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ —

хотин-қизлар учун  
имтиёз

МАМЛАКАТИМИЗ аҳолисининг қарийб  
50 фоизини хотин-қизлар, жумладан, улар-  
нинг 29 фоизини 14 ёшгача бўлган қизлар,  
28 фоизини 15-30 ёшлилар, 21 фоизини  
31-45 ёшлилар, 15 фоизини 46-60 ёшлилар,  
7 фоизини эса 60 ёшдан ошган хотин-қиз-  
лар ташкил этади.



6-БЕТ



**MADAD**  
Huquqiy maslahat byurosi

**ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА,  
ҲАР БИР ХОНАДОНГА  
кириб боришга улгурди**

ИНСОН ўз умри давомида қувончли, баъзан ташвишли кунларга  
дуч келади. Турли хил масалаларда бош қотиришга, ҳаётда учраган  
муаммоларга ечим излашга уринади. Таниш-билиш, қўни-қўшнилар-  
дан маслаҳат сўрайди, турли хил газета ва журналлардан, ҳаётимизга  
тобора сингиб бораётган интернет тармоғидан жавоб топишга интила-  
ди. Айниқса, қонун билан, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларга  
оид саволлар ҳаётимизда жуда кўп учрайди.

7-БЕТ

# МУРОЖААТНОМА — ЭЗГУЛИК ҒОЯЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲУЖЖАТ

► Давоми. Бошланиши ўтган сонда



**Бахтиёр ҚИЛИЧЕВ,**  
Қашқадарё вилояти маъмурий  
суди судьяси:

— Бугун биз фикр-мулоҳазаларимизни билдираётганимиз, давлатимиз раҳбарининг бу йилги Мурожаатларида суд соҳасини такомиллаштириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиб-

ни мустақкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчликни, тотувликни сақлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутadi.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида киритилган бўлиб, унинг 1-бандида маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қоллиниши белгиланган.

Қашқадарё вилояти маъмурий судлари томонидан 2020 йил давомида одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилган.

2020 йил мобайнида Қашқадарё вилояти маъмурий судлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолаarga доир жами 1297 та иш кўрилган бўлиб, шулардан 956 та ариза қаноатлантирилган, 274 та ариза рад этилган, 25 та ариза кўрмасдан қолдирилган, 42 та ариза бўйича иш юрйтиш тугатилган.

Ўтган шу давр мобайнида маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан жами 1262 та, нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги ёхуд нотариуснинг (мансабдор шахснинг) ҳаракатининг (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисида 5 та ариза келиб тушган ва мазмунан ҳал этилган.

Биргина Қашқадарё вилояти маъмурий судлари томонидан 2020 йилда ҳокимларнинг 144 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилган. Оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низола буйича айбдор, деб топилган мансабдор шахсларга нисбатан жами 107 та хусусий ажрим чиқарилган.



**Шуҳрат БАКАЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Мирзо Улугбек туман  
судининг раиси:

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар бугун ўзининг амалии самарасини кўрсатмоқда. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустақкамлаш, судни том маънода "Адолат қўргони"га айлантиришдан иборатдир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминловчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, "Хабес корпус" институтини қўллашни кенгайтириш қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судларнинг мустақил, эркин фаолият олиб боришини таъминлаш борасида қўйилган дастлабки қадамлар ўз натижасини бераётганини ўтган уч йил вақт мобайнида оқланган шахслар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, 2016 йилгача судларда оқлов ҳужми чиқариш амалиёти деярли бўлмаган. Кейинги уч йилда кескин ўзгаришни кузатганимиз.

Ислохотлар натижасида судлар томонидан илк мартабада 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳужми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай қирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик қафиллигига олинди. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқ-тартиб идоралари ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида суд тизимида рўй бериётган ўзгаришлар, аввало, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилгандир.

Айнан шунинг учун ҳам, суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб қибоб кетиши кераклиги тўғрисидаги Президентнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир судья ва суд ходими жуда катта масъулият ва фидойилик нуқтани назардан ўз вазифасига ёндашиши лозим ҳамда барчамиз давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган ушбу вазифаларни фуқароларимизнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш йўлида сидқи дилдан хизмат қилишга халқимиз олдида ва Президентимиз олдида масъуллигимизни унутмаслигимиз лозим.

Шу ўринда Президентимизнинг "Адолат бу — давлатчиликнинг мустақкам пойдеворидир", деган фикрини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Зеро, адолат азал-азалдан халқимиз онгида энг улуг тушунчалардан бири сифатида шаклланган. Ва ота-болаларимиз уни юксак қадрият деб билган. Мана шу анъана, мана шу қараш бугун ҳам авлодлар тимсолида давом этмоқда. Мурожаатноманинг ҳам асл негизида мана шу адолат тушунчаси ётибди.

Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



**Абдулла МУХИДДИНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Юнусобод туман суди  
судьяси:

— Президентимизнинг бу йилги Мурожаатномасини чуқур ўрганиб, шундай ҳулосага келдимки, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида сўнги 4 йил давомидаги суд-ҳуқуқ ислохотлари тадрижийлик асосида амалга оширилмоқда. Бу фикримга асос сифатида Муро-

жаатномада илгари сурилган келгуси йилдан бошлаб бир-бирини тақрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилишини, бунинг натижасида одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибда кўриш амалиёти бекор қилинишини келтириб ўтмоқчиман.

2020 йил 24 июль куни қабул қилинган, янги босқич суд ислохотларида тарихий Фармон, дея эътироф этилган Президентимизнинг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида айнан "суд ишларини назорат тартибда кўриш институтини тугатиш" масаласи алоҳида белгиланган эди. Албатта, бу бежиз эмас. "Суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган" назорат тартибда ишларни кўришдан тўлиқ воз кечишни бугун суд амалиёти тақозо этмоқда. Сабаби, суд ишларининг қайта-қайта бир неча инстанцияларда назорат тартибда кўрилиши, фуқароларнинг овора бўлишига, судларда иш ҳажмининг асоссиз ва мақсадсиз ортишига, қолаверса, коррупция билан боғлиқ ҳолатлар-

нинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу борадаги халқаро амалиёт таҳлил этиладиган бўлса, ривожланган демократик мамлакатларнинг суд тизимида назорат тартибда кўриш институтининг йўқлигини кўришимиз мумкин. Айни пайтда, бутун дунёда тан олинган апелляция ва кассация тартибда ишларни кўриш амалиёти кенг қўлланилади. Собиқ иттифоқ даврида қор қилиб кетган назорат, деб аталмиш яна бир инстанциянинг мавжудлиги суд амалиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, Олий суд томонидан ҳар қандай ишни назорат тартибда кўришдек номақбул амалиётдан тўлиқ воз кечиши назарда тутилиб, судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларга адолатли қарор қабул қилишга босим ўтказишга йўл қўймаслик, ишларнинг йилба қайта кўрилишига барҳам бериш мақсадида Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқи бекор қилинди.

Бундан кўланган асосий мақсад суд ишларининг юқори инстанцияларда қайта-қайта кўрилишига йўл қўймасдан, суд қарорини бир марта қайта кўриш билан унга тугал нуқта қўйишдан иборатдир.

— Сўнги тўрт йилдаги ислохотларнинг негизини ташкил этадиган адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллашини Президентимиз ўз Мурожаатномасида яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтди.

2021 йилнинг 13 январида Президентимизнинг "Суд органлари фаолиятини мольялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қуйи судлар судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлиmlари ходимларининг иш ҳақлари ва қўшимча тўловлари тўлиқлигича Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан мольялаштирилади. Судьялар, суд аппарати ходимлари, Судьялар олий кенгаши, шу-

нингдек, Судьялар олий мактаби, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлиmlари ходимларининг тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тасдиқланди. Бир сўз билан айтганда, Фармон судьяларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Судларнинг чинакам мустақил ҳокимият тармоғига айланаётганлиги бугунги кун амалиётида яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳужми чиқарилганлиги, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги, 5 958 нафар шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилганлиги ёки ўзгартирилганлиги, охириги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилинганлиги фикримизнинг далилидир.



**Неъмат АКБАРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Олмалиқ шаҳар суди  
раиси:

Суд органлари фаолиятини рақамлаштириш бугунги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз раҳбари Мурожаатномада суд тизимида рақамлаштиришни янада кенгайтириш, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, "онлайн" тартибда мурожаат қилиш имкониятини яратиш, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши каби масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борадаги янги вазифаларни белгилаб берди.

Суд органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш натижасида жорий йилдан бошлаб суд муҳокамасининг барча иштирокчиларини суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул хабардор қилиш, суд қарорларини тарафларга онлайн тарзда юбориш, шунингдек, судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни бепул тақдим этиш имкониятлари яратилади.

## АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ЭНДИ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлисага ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси — мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ва тарихий воқеалардан бирidir.**

2020 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтган бу балги Мурожаатномада қонунчилик, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш қувватлари, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар белгилаб берилди.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз сўнгги йилларда халқаро майдонда ўз имиджини мустаҳкамлаб олди. Буни Ўзбекистон "Очиқ маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғонага, "Иқтисодий эркинлик" рейтингда 26 поғонага юқорилаганида ҳам кўриш мумкин.

Қолаверса, давлатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Мазкур йўналишдаги кўрсаткичларни истаганча давом эттириш мумкин. Бунинг асоси бевосита юртимиз қонунчилик тизимининг такомиллашиб бораётгани билан боғлиқ, албатта.

Сўнгги 4 йилда тармоқлар кесимида 150 та қонун, 2 мингта яқин фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши барча соҳаларда кенг қўламли туб ислохотларнинг амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон қонунчилигидаги янгилашлар жадон ҳамжамияти томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, халқаро нодавлат ташкилот "World Justice Project"нинг 44 та йўналиш бўйича баҳоланган "Ўзбекистонда қонун устуворлиги" индексида давлат муассасаларининг шаффофлиги, коррупцияга қарши курашиш ва асосий ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши кўрсаткичлари бўйича республикамизда юқори ўсиш даражаси қайд этилди. Аммо бизда бу каби халқаро индексларда янада юқори погонани эгаллаш имконияти мавжуд.

Шу боис давлатимиз раҳбари Мурожаатномада адлия органларига қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, уларни амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш вазифасини кўйди ва зарур шуколат ҳамда ресурслар белгилаб берилди. Шу ўринда айтиш жоизки, адлия органларида қонун ҳужжатлари доимий равишда ижрочиларга етказилиб, изоҳ бериб келинган. Эндиликда эса, ҳужжатлар моҳиятини манзилли ва ижрочиларга тушунтириш, бунда фаол интерактив усуллардан фойдаланиш, аҳолининг мазкур йўналишга нисбатан тўғри муносабатини шакллантириш бўйича амалий ишлар янада кенгайтирилади.

Адлия органлари томонидан ташкилот ва муассасаларда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ ташкил этишни таъминлаш, ижрога ғов бўлаётган ортиқча вазифа ва функцияларни қисқартириш юзасидан тақлифлар бериш имконияти пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда барча даражадаги депутатлар билан яқин ҳамкорлик тизими равишда йўлга қўйилади. Айниқса, давлат ташкилотларидаги ижро сифатини халқ депутатлари кенгашларида танқидий муҳокама қилиб бориш мамлакатимизда демократик кадриятларни янада мустаҳкамлаб, халқнинг ислохотлардан рози бўлиб яшашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Аъзамжон САРАБЕКОВ,**  
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

ДАВЛАТ раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор тақлифлар билдириб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва функциялари, ҳокимларнинг жавобгарлик чегарасини аниқлаштириш масалаларига алоҳида урғу бериб ўтди.

## БУНДАН БУЁН ЭСКИ ҚОЛИПДА ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Бундан 27 йил аввал қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳокимнинг вазифа ва функциялари умумий тарзда белгиланганлиги оқибатида ҳоким нималарга жавоб бериши ва масъул эканлиги ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда ҳамда турли ёндашувларга олиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида уруғу бериб, Олий Мажлис палаталари Хукумат билан биргаликда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда ҳоким, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига тегишли бўлган барча вазифа ва функция, шунингдек, ваколатлари ва жавобгарлик чегарасини аниқ белгилаш бўйича топшириқлар берди.

Бундан ташқари, Юртбошимиз Хукумат олдида давлат хизматчилари сонини ўртача 15 фоизгача мақбуллаштириш ҳамда тақдорланувчи функцияларга эга бўлган идораларни қисқартириш бўйича аниқ вазифаларни кўйди.

Мурожаатномадаги муҳим топшириқлардан бири, Адлия вазирлигига унинг янги асосий вазифаси белгилаб берилди.

Бунда, қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш бирламчи вазифа эканлиги қайд этилди.

Янги тизимга мувофиқ: биринчидан, қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари вилоят, туман, шаҳар раҳбарларига тезкор равишда, тўғри ва аниқ мазмун-моҳияти етказилади.

Бунда Адлия вазирлиги томонидан

барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали "Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда" мавзусида кўрсатув ва чиқишлар ташкил этилади.

Ҳар йили барча давлат органлари раҳбарлари, ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари малакасини оширишга қаратилган ўқув курсларига қонун ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар жорий этилади.

Давлат хизматчилари учун уларнинг фаолиятига оид ҳуқуқий муаммолар бўйича тезкор маслаҳат берадиган махсус онлайн-маслаҳатчи портал хизмати йўлга қўйилади;

иккинчидан, мазкур ҳужжатларда белгиланган ижрочилар томонидан айрим масалаларда тушунмовчиликлар юзга келганда, адлия органлари томонидан топшириқни тўлақонли тушунтириб бериш чоралари кўрилади. Бунинг учун адлия органларига зарур воситалар тақдим этилади ва шароитлар яратилади;

учинчидан, Президент томонидан ёки бошқа қонун ҳужжатлари билан берилган топшириқни ижро этишда, жавобгар вазирликнинг мавжуд куч ва воситаси сафарбар этилиб, бироқ унинг ижросини таъминлашда қийинчиликлар юзга келганда, адлия органлари ушбу топшириқнинг ижросига кўмаклашади.

тўртинчидан, топшириқлар ижросини назорат қилиш. Бу босқич сўнгги чора сифатида қаралиши керак.

Чунончи, ҳар бир вазирлик ва идора ҳужжатларда берилган топшириқларни виждонан, тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажаришга мажбур. Ҳар бир раҳбар бунга шахсан масъул эканлиги барча

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Масалан, қайсидир идора топшириқни турли сабабларга кўра бажара олмаса, давлат раҳбари таъкидлаганидек, керак бўлса, лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар кўрилади.

Ушбу мақсадда, Адлия вазирлигида махсус тузилма ташкил этилиши режалаштирилмоқда ва уларга зарур ваколат ва ресурс берилади. Унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилади.

Улар қонун ҳужжатлари талабларини ижро қилмаслик, нормаларни ўзбошимчилик билан ёки нотўғри талқин қилиш, қонунни қўллашда субъективлик, тор идоравий ёндашиш ҳолатларини аниқлайди ва келгусида бунга йўл қўймаслик чораларини кўради. Уларнинг натижаси бўйича Президентга танқидий ахборот киритилади

Шунингдек, бу жараёнга кенг жамоатчилик жалб қилинишига алоҳида урғу берилди. Бунда, "жамоатчилик эшитувлари" ва "жамоатчилик мониторинги" институтларидан кенг фойдаланилади. Яъни, ижроси бажарилмаган топшириқлар бўйича маълумот фуқаролар томонидан хабар бериш тизими орқали юборилади. Мобил илова ишлаб чиқиш режамизда бор.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган асосий талаблардан бири бу — давлат ва жамоат институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу жараёнда натижадорлик ва сифатни оширишдан иборат. Энди эски қолипда ишлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, янги 2021 йилда барчамиздан янги марраларни кўзлаб, катта сафарбарлик руҳида ишлаш талаб этилади.

**Камрон НИГМАТОВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиётини янги тартиб сифатида жорий этишга урғу берилди.**

## Дастлабки ЭШИТУВ муҳим воситалардан бири ҳисобланади

Дастлабки эшитув институти одил судловни амалга оширишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. У суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назоратининг асосий шаклидан бири ҳисобланади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида жиноят ишининг келгуси ҳаракати масалалари тортишун принципини амалга ошириш орқали ҳал этилишини кўзда туттади.

Судьянинг жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнида тергов органлари томонидан қилинган ишларга алоҳида эъ-

тибор қаратилиб, келтирилган далилларнинг мақбуллиги ёки ҳақиқийлигини билишда ҳам дастлабки эшитув муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Ҳап шундаки, дастлабки эшитув институти тергов органлари томонидан қилинаётган баъзи бир номақбул усуллардан воз кечишга ҳам хизмат қилади.

Минг афсуски, амалиётда тергов органлари фаолиятида жиддий хато ва камчиликларнинг борлигидан кўз юммаслигимиз керак. 2020 йилда Андижон ва Қашқадарё вилоятлари ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир

этилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар бунга аниқ мисол бўла олади. Ҳар икки ҳолат ҳам жамоатчиликнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди. Бу жиноятларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходими қонун олдида жавоб бериб, уларнинг 7 нафари раҳбарлик лавозимидан озод этилган, яна 16 нафари интизомий жавобгарликка тортилган.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида бундай ҳолатларнинг тақдорланмаслиги ва олдини олиш мақсадида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Тошкент давлат юридик университетида "Инсон кадр-қиммати — энг олий қадрият" махсус ўқув модули бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифасини кўйган эди.

Мазкур институтининг суд амалиётига жорий этилиши жиноят ишларини кўриб чиқишда судья ўз юртувиغا келган жиноят ишини судда ҳар томонлама ва холисона кўрилишига тўқсинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Мирзиё Абидов,**  
жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди судьяси

Тошкент  
шаҳриБОШ ҲИСОБЧИНИНГ  
БОШИДАН ЎТГАНИ

**ФУҚАРО Д.Элов** Тошкент шаҳар Перинатал марказидан ноқонуний ишдан бўшатирилганлиги учун ишга қайта тиклашда амалий ёрдам беришни сўраб, Шайхонтоҳур туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида фуқаро Д.Элов пойтахт Перинатал марказига 2020 йилнинг 24 март куни икки ойлик синов муддати билан бош ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилинган. Лекин Марказ томонидан унга синов натижаси қониқарсиз, деб меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати берилиб, ўтган йилнинг 25 май куни меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Бироқ марказ томонидан Д.Эловга берилган огоҳлантириш хатида у нима сабабдан синов муддатидан ўта олмаганлиги, ўзига юклатилган вазифани уddалай олмаганлиги асосланганлиги кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Д.Элов бухгалтерия йўналишида 17 йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатганлиги унинг мазкур марказ бош ҳисобчиси мансаб йўриқномасида кўрсатилган вазифаларни бажара олиши учун етарли муддат ҳисобланади.

Шайхонтоҳур туман адлия бўлими томонидан фуқаро Д.Эловнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уни мазкур ишга тиклаш ва меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинганлиги тўғрисида бўш юрган кунлари учун компенсация пулларини ундириб бериш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Мазкур даъво аризаси суд томонидан ижобий ҳал этилиб, Перинатал марказ директорининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғи бекор қилинди ва Д.Эловга бўш юрган кунлари учун 8 миллион 175 минг сўм компенсация пули ундириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Ақтам НОРМУРОДОВ,**  
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими катта  
маслаҳатчиси

Навоий  
вилоятиМАСЪУЛ КОТИБГА ТРАНСПОРТ  
ХАРАЖАТИ ТўЛАБ БЕРИЛДИ

**НУРОТА туман Халқ таълими бўлимининг** болаларни ижтимоий ҳимоялаш шўъбаси бош мутахассиси — **васийлик ва ҳомийлик органи масъул котиби О.Саидқулованин**г туман Халқ таълими бўлими томонидан транспорт харажатлари учун маблағ тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида 2019 йил 1 мартдан бошлаб васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 минг сўм миқдорда компенсация тўланаши, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб берилиши белгиланган бўлса-да, васийлик ва ҳомийлик органи масъул котибига мазкур транспорт харажатлари тўлаб берилмаган.

Президент Қарори талаблари бажарилмаганлиги ҳолати юзасидан васийлик ва ҳомийлик органи масъул котибига 2019 йил март ойдан 2020 йил март ойига қадар 2 миллион сўмлик транспорт харажатини тўлаб бериш бўйича туман Халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, компенсация ундириб берилди.

**Умиджон СУВОНОВ,**  
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

Жиззах  
вилоятиШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ БАЖАРМАГАН  
ҲОКИМЛИК ПЕНЯ ТўЛАДИ

**“АБРОР Элёр қурилиш” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Э.Худоёровнинг** ободонлаштириш бўйича бажарган ишлари учун туман ҳокимлиги томонидан маблағ тўлаб берилмаётганлиги ҳақидаги шикоятни Зафаробод туман адлия бўлими томонидан ўрганилди.

Тақдим этилган ҳужжатларга кўра, “Абдор Элёр қурилиш” МЧЖ ҳамда Зафаробод туман ҳокимлиги ўртасида 2019 йил 25 июлда қиймати 1 миллиард 418 миллион 744 минг 535 сўмлик ишларни бажариш ҳақидаги шартнома тузилган.

“Абдор Элёр қурилиш” МЧЖ томонидан ҳисобот даврида бажарилган ишлари ҳажми 734.198.2 минг сўмни ташкил қилганлиги ҳақидаги ҳисоботи туман ҳокимлиги ва жамият ўртасида имзоланиб, тасдиқланган. Аммо бажарилган ишлар учун хизмат ҳақи тўлиқ тўлаб берилмаган.

Зафаробод туман ҳокимлиги шартноманинг 2.2-бандида ишларнинг натижаларини қабул қилиб олган кундан бошлаб 30 кун ичида шартноманинг 4-бандида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ тўлаб бериш мажбуриятини олган бўлса-да, ушбу талабни бажармаган.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, туман ҳокимлиги “Абдор Элёр қурилиш” МЧЖга бажарилган ишлар юзасидан келиб чиққан 335 миллион 937 минг 492 сўм асосий қарздорлик ва ҳисобланган 167 миллион 968 минг 746 сўм пеняни тўлаши лозим.

Мазкур мурожаат юзасидан Жиззах туманлараро иқтисодий судига асосий қарз ҳамда қонун талабига мувофиқ тўлаб берилмаган сумманинг 50 фоизи миқдордаги пеняни “Абдор Элёр қурилиш” МЧЖ манфаатида ундириб бериш ҳақида ариза билан мурожаат қилинган, масъулияти чекланган жамият фойдасига 335 миллион 937 минг 492 сўм асосий қарз ҳамда 32 миллион сўм пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Жаҳонгир ИШОНҚУЛОВ,**  
Зафаробод туман адлия бўлими бошлиғи

Сурхондарё  
вилоятиСОЛИК  
ИНСПЕКТОРИ  
ЎЗ ҲУҚУҚИНИ  
ТАЛАБ  
ҚИЛДИ

**ТЕРМИЗ туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Ф.Нормуродов** 2020 йил 17 январда ўз хоҳишига кўра, Термиз туман давлат солиқ инспекциясидаги эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Бироқ Ф.Нормуродов 2017-2020 йиллар давомида шанба ва якшанба кунлари ишлаган даврлари, байрам кунлари учун муқофот ҳамда устама пуллари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Фуқаро Ф.Нормуродовдан мурожаат юзасидан тегишли тушунтириш хати олинганда, туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2020 йил 26 ноябр ҳолатида унга 17 иш кунидан шанба ва якшанба дам олиш кунлари ишга жалб қилинганлиги учун иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 157-моддасида, иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланиши керак. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса — иш берувчи томонидан касаба

уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидagi иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунлари билан қопланиши ҳам мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари ишлагани учун унга бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда эса камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади, деб қайд этилган.

Туман адлия бўлими томонидан Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармасига қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бар-тароф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди ва вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан Ф.Нормуродовнинг туман давлат солиқ инспекциясида 2016 йил 28 ноябрдан 2020 йил 17 январга қадар ишлаган вақтидаги шанба ва якшанба дам олиш кунлари ишга жалб қилинганлиги ҳолатлари ҳисоб-китоб қилиниб, 1 миллион 883 минг 318 сўм миқдордаги пул маблағи тўлаб берилди.

**Баҳодир АШУРОВ,**  
Термиз туман адлия бўлими  
бошлиғи

Хоразм  
вилоятиҚачонгача қонунга  
зид иш тутамиз?

ХОНҚА туманининг “Пахтакор” маҳалласида яшовчи фуқаро Г.Сапаева бола парвариши таъти-лига чиқишдан олдин фаолият юритган иш жойига ишга тиклашда амалий ёрдам беришни сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Аниқланишича, Г.Сапаева 2011 йилда Хонқа туманидаги “Жаннат-макон” маҳалла фуқаролар йиғинига ишга кирган ҳамда 2018 йилнинг ноябрида фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши учун таътилга чиққан, таътидан қайтгандан сўнг маҳаллага ав-валги ишга тиклашни сўраб ариза билан мурожаат қилган бўлса-да, маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан Г.Сапаеванинг мурожаати асоссиз ра-вишда рад этилган.

Таъкидлаш лозимки, Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан бола парваришидаги ходим-нинг иш жойи сақланиши шарт. Туман адлия бўлими-нинг аралашуви билан Г.Сапаева тумандаги “Жан-натмакон” МФЙга ўз лавозимига ишга тикланди.

**Темур ЭШМЕТОВ,**  
Хонқа туман адлия бўлими бошлиғи

# Она кўксига талпинган МУРҒАК ГЎДАКНИНГ

## МИТТИ ҚЎЛЧАЛАРИ ҲАВОДА ҚОЛДИ.

ҲАЁТДА ҳар бир нарсанинг уволли бор. Ноннинг уволли урса ёмон бўлади дейишади. Нон-ку бир жонсиз неъмат. Уволдан қўрмайсиз. Афсуски, фарзанднинг уволли ундан ҳам ёмонлигини, олий неъматдан воз кечиш Аллоҳнинг қаҳрига учраш билан баробарлигини баъзилар унутиб қўймоқда. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан 22 ёшли қизга ҳукм ўқилди. Унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Энг гуллаган ёшлик чоғида темир панжара ортга кирган қизнинг гуноҳини эшитиб, унга бу жазо ҳам кам... деган хулосага келишингиз аниқ.

**Х**олида Шокирова (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг таржimai ҳолини ўқиб, ундан ҳам кўпроқ таажубланасиз. Вақтинча ишсиз, турмушга чиқмаган, аммо 3 нафар фарзанднинг онаси. Пахтачи тумани, "Қўшқовуз" маҳалла фуқаролар йиғинида рўйхатда туради, лекин аниқ яшаш манзили йўқ, қидирув эълон қилиниб, қўлга олинган...

### Фарзандфурушлик ватанфурушлик эмасми?

Одамзоднинг умри ўлчовли ва турфа синови. Кимлардир ўтаётган умридан миннатдор бўлиб, беғоналарга ҳам қўлдан келгунча ахшилик қилишга интилса, кимлардир ахшиликни ҳатто ўз норасида гўдагига ҳам раво кўрмайди. Инсон йимон ва инсоф кўчаларидан узоқлашганда, ўз нафсининг қулига айланганида, Аллоҳнинг неъматига хиёнат қилиши, марҳаматига нолийк ишга қўл уриши мумкин. Фарзандфурушликнинг ватанфурушликдан нима фарқи бор? Уэ ори, ўз номусини сотгани етмаётганда, ўз дилбандини ҳам пуллаётган аёлга қандай баҳо бериш мумкин?

Одамлар пандемия туфайли ўзини кўярга жой топа олмай саросимада, таҳликада юрган айнаи ёз кунларининг бирида Холида ҳали туғилганига бир ой ҳам бўлмаган мурғак қизалоқидан воз кечиш, пул топишининг энг қабиҳ йўлини танлади. Беғуноҳ гўдакнинг уволлидан қўрмаган бу аёл Аллоҳнинг қаҳридан қочиш қутула олмади. Чақалоғини қонунга хилоф равишда навоийлик аёлга 3 миллион сўмга сотишга келишиб, келишилган пулни Навоий шаҳар, "Навоий" жоме масжиди ёнида олган вақтида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда вилоят божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир доволмида инкор этиб бўлмас далиллар билан қўлга олинди.

Айбдорнинг баҳонаси, гуноҳорнинг тавбаси кўп дейишади. Судланувчи ҳам айбига тўлиқ иқорлик билдирди, аммо бу қилмишини отасиз фарзандни тарбиялай олмаслиги билан

изоҳлади. Инсон бир марта адашиши, билмасдан хато қилиши мумкин. Аммо иккинчи ва учинчи марта қилган гуноҳлари учун ҳеч кимга имтиёз, ёки шафқат йўқ. Минг афсуски, бу сотилган гўдак Холиданинг кечиб кетган биринчи ёки иккинчи фарзанди эмас, учинчиси эди... Йигирма икки ёшида учта фарзандга она бўлиб, аммо оналик қилмаган ношукр аёлга яна нима дейиш мумкин?

Она деган номга нолийк бу аёлнинг таржimai ҳоли қандай? Саёқ юрган қишлоқ қизи биринчи боласига ҳомилдор бўлганлигини билиб, ота уйдан чиқиб кетиб, Навоий шаҳридаги кўп қаватли уйларида яшаб юрган. 2017 йилнинг 29 сентябрида ўғил фарзанд туғилганида, фарзандига оналик қилишдан бош тортидан сўнг шифокорлар Навоий шаҳридаги васийлик ва ҳомийлик органи ходимини қақирганлиги, масъул ходим болани васийлик ва ҳомийлик органига топшириш тартибини тушунириб, керакли ҳужжатларни тайёрлагани, сўнгра у фарзандини фарзанд асраб олиш учун навбатда турган фуқароларга бериб юбориш тўғрисида ариза ёзиб берганлиги, васийлик органи ходими унинг аризасини нотариус орқали тасдиқлатиб, фарзандини навбатдаги номзодга бериш учун тўлланган ҳужжатларни судга тақдим қилиб, фарзандини қонуний тартибда кимгадир бериб юборганлиги, орадан бир йил ўтиб иккинчи фарзандни дунёга келтиргани, отасиз туғилган бу қизалоқни ҳам худди ўша васийлик ва ҳомийлик органи ходими ҳужжатларни тайёрлаб, уни ҳам қонуний тартибда кимгадир бериб юборади. Учунчи фарзанди ҳам отасиз туғилгани сабабли шифокорлар туғилганлик тўғрисида гувоҳнома талаб қилганида, оила аъзолари билан алоқаси йўқлигини айтганидан сўнг, шифокорлар Пахтачи туман ИИБ орқали қақирган отаси унга ёлғиз она сифатида ҳужжат расмийлаштириб, Пахтачи туман ФХДЭ органи орқали гувоҳнома олиб бергани унинг кейинги тўрт йиллик ҳаётидаги энг қора саҳифалар.

### Никоҳсиз фарзанд кўриш қанчалик гуноҳ?

Ўз фарзандини сотган аёллар қандай жазоларга лойиқ, деган савол кишини кўп ўйлантиради. Оналик нафақат инсон зотиға, балки жамаки тирик мавжудотга, жонзотларга берилган улғу неъмат ва бахтдир. Ўз боласини бало-ю офатлардан ҳимоя қилишга ҳатто хайвонлар ҳам жонини

бериши ана шу неъмат меҳридан. Ўз полапонини чарх уриб асраган қўшлар, ўз боласи ёнига ҳеч кимни йўлатмайдиган энг йирткич йўлларга арслонлар ҳам баъзи инсонларга сабоқ бўлса арзийди.

### Бу гуноҳнинг жазоси қандай?

Бу гуноҳнинг жазоси чексиз, чегарасиз... Бундай аёлларни тошбўрон қилса ҳам кам. Қиргинбарот уруш йилларида одамлар очликдан, ночорликдан бошини қайси тошга уришни билмасдан бир парча нон учун ҳамма нарсасини сотганлиги ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Аммо қанчалик муҳтож бўлмасин, қанчалик зор бўлмасин, ҳатто боласининг бешигини сотишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Бола-ку бола...

ҳатто унинг бешиги ҳам муқаддас саналган, азиз саналган миллат вақиллари бугун бир эмас, бир нечта болани сотиб, уволлига қолаётганлигини қайси тарозиди ўлчашни билмайсан киши.

Ёки авваллари қизларнинг маҳалладан кўчага чиқиши, саёқ юриши, улар ҳақида ноҳўя бирор гапнинг тарқалиши уят саналарди. Қизларга доғ тушса, бутун бошли қишлоқнинг ёки маҳалланинг юзи қизарди, бу доғ ўчмас доғ ҳисобланарди. Бугун эса, номаъқул ишларга қўл уриб, шарманда-ю шармисор бўлган айрим қизлар ҳам баъзиларни ташвишга солмай қўйди. Миллат шайнига доғ тушираётган, ўзидан кетган бундай қизларга нафақат ота-оналарининг, балки на қишлоқ, на бир маҳалланинг гапи қор қилмай қўйди, сўзи ўтмай қолди. Энг ачинарлиси, бундай тоифалар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ўнлаб масъул ташкилотлар гўёки томошабинга айланган қолгандек. Натижадаси тadbирлар, таъсири йўқ сўхбатларнинг бари бир пул бўлиб қолди... Чунки мактаб ўқувчиларининг она бўлиши, фарзандларнинг бешафқат оналар томонидан сотиб юборилишига чора топилмас экан, бу мутасадди ташкилот вақилларининг юксак минбарлардан "янграётган" ялтироқ маърузаларида нима маъно бор?

### Дугоналар тузоққа тушди...ми?

Холида яна фарзандлик бўлганлигини дугонаси Машхура Ҳошимова эшитиб, касалхонага уни кўргани келди. У дугонасининг ўтмишидаги сирларидан, биладан воз кечиш "санъати"дан хабардор эди. Шунинг

учун дугонасидан хабар олиш баҳонасида, балки унинг ўзига яраша шум ниёти, пухта режаси ҳам бор бўлгандир? Буниси бизга қоронги. Машхура бир гал касалхонага Нодира исми таниши билан келиб, уларни бори-борига таништириб қўйди. Нодира инсонгарчилик учун Холидани ҳол-аҳвол сўраб турди. Сўхбатларда "адашган қиз" унга Навоий шаҳридаги турли манзилларда ижарада яшаб келаётгани, отаси унга бу шармандалиқдан сўнг уйига, қишлоққа қайтиб бормаслигини айтиб кетгани сабабли туғуруқхонадан чиққанидан сўнг борадиган жойи ва боласини бойиш учун имконияти йўқлигини, олдин туғилган 2 боласини ҳам васийлик органи орқали бошқа фуқароларга бериб юборганлигини, бу фарзандини ҳам бирорга фуқарога бериб юбориши мумкинлигини билдирди.

Бу гаплардан хабардор дугонаси Машхура унга "агарда касалхонадан чиққанидан сўнг борадиган жойинг бўлмаса, вақтинча Нодира олани уйда яшаб турсанг бўлади", деб айтиб қолди. Шунинг учун қўлида боласи билан борадиган жойи йўқ аросатда қолган аёл Нодирага кўнгирик қилиб, унинг уйига боришга мажбур бўлди. Нодирахоннинг самимий, меҳрибон аёллигидан фойдаланиб, унга келгусида бу болани боқа олмаслигини, на яшашга жойи, на фарзандини овқатлантириши ва уни кийинтириш учун пули йўқлигини айтиб, қизини бирорта боқиб оладиган киши бўлса сотиб юборишини айтди.

Нодира унинг сўзларини эшитиб, унга "болани сотиш гуноҳи азим, катта жиноят" эканлигини таъкидлади. Шунда Холида унга "опа мен аввалги иккита фарзандимни ҳам сотиб юборган отаман, менга ҳозир кийим-кечак ва телефон олишим учун пул керак", деб айтгандан сўнг Нодира унга "ўғлим оиласи билан Россияга ишлашга кетган, агарда қизингни менга берсанг, ўзим катта қилиб оламан, мен кўп пул бера олмайман, 2 миллион сўм атрофида пулим бор, шу пулни беришим мумкин", деган тақлифни билдирди. Унинг мақсади бу нонқур аёлнинг яна бир норасидадан воз кечмаслигини истаганиди. Шунинг учун қўл телефонига ўзаро сўхбатни ёзиб олгани сўнгра унинг жиноий қилмишларига чек қўйиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ариза билан мурожаат қилиш мақсади бўлгани сабабли унга пул тақлиф қилиб,

болани сотиб олмоқчи эканлигига ишонтирди. Холида фарзандини сотишга рози бўлганидан сўнг унинг жиноий қилмишларига чек қўйиш ва фуқаролик бурчини бажариш мақсадида Навоий вилояти ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилди.

Шунинг учун ҳам Холида дугонаси билан масжидга кираётган вақтларида Нодира унга олдин келишилган 3 миллион сўмни бериб, чақалоқнинг қўлига ўзи азон айттириб чиқиш учун қизалоқни олиб кетди. Учунчи боласидан ҳам жуда осонгина кечган "она" пулни олиб, дугонаси Машхура билан бозорга кетаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олингани билан одам савдоси жинояти саҳнаси кулминацион нуқтага етди. Онанинг кўжига талпинган мурғак гўдакнинг митти қўлчалари ҳавода қолди. Мушт бўлиб туғилган бу жажжи қўлчалар ҳозир ундан уволлининг жавобини сўрай олмайди. Жаннатларнинг иси келиб турган гўдак ҳиди унга энди беғона эканлиги бу аёл тушунармикан?


Фарзандфуруш аёл ўз жиноятини тан олишга, қилмишидан пушаймон эканлигига иқдор бўлишга мажбур бўлди.

Суд ҳайъати судланувчи Х.Шокированинг одам савдоси жиноятини оддий эмас, ўз фарзандини сотишдек муқаддас жиноят сифатида қайд этди.

Агар Нодира Ҳасанова бу тўғрисида ИИБ ходимларига ўз вақтида маълум қилмаганида, фарзанднинг улғу неъмат эканлигини билмайдиган бу ношукр банди яна бир боланинг уволлига қолиши, ким билади балки яна бундай жиноятларнинг нечтасига қўл уриши мумкин эди.

Гарчи суд ҳайъати судланувчи Х.Шокированинг чин кўнгирилган пушаймонда эканлигини унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолат, деб қараб, унга уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса-да, аслида унинг бу қилмишини мингта пушаймонлик билан оқлаб ёки енгиллаштириб бўлмайди. Виждонига оғирлик қилмаган бу жиноятнинг доғи энди бутун умр уни таъбиқ қилишини, она меҳрига зор фарзандларнинг уволли бу аёлга тинчлик бермаслигини жуда истардик. Токи она деган мўътабар номга муносиб бўлмаган бундай аёллар ўзига тўғри хулоса чиқариб олмас экан, жамаиятимизнинг бу каби чиркин жароҳатлари битмаслиги аниқ.

**Шерзод МАМИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Навоий шаҳар суди раиси,  
Маруса ҲОСИЛОВА,  
"Инсон ва қонун" муҳбири



## НОТАРИУСГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ФУҚАРОНИНГ ЭШИТИШ ЭКИ КЎРИШ КОБИЛИЯТИ СУСТ БЎЛСА...



— АГАР нотариусга мурожаат қилган фуқаро кар-соқовлик нуқсонни бор эки кўзи ожиз бўлса, уларнинг иштирокида битимлар қандай тасдиқланади?

— Битимни расмийлаштиришни сўраб кар-соқовлик, қулоғи огир, заиф эшитувчи, кўзи ожиз бўлган шахс мурожаат қилса эки у саводсиз бўлса, битимни тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва битимнинг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо эки тифло таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Агарда нотариус кар-соқов, кар, қулоғи огир, заиф эшитувчи фуқаролар билан мулоқот қила олса ва кўзи ожиз, заиф кўрувчи фуқаро учун мўлжалланган мослама билан ишлаш олса, унда сурдо эки тифло таржимоннинг иштироки талаб этилмайди. Бу ҳолатда нотариус ўзи томонидан жисмоний нуқсон мавжуд бўлган фуқаролар билан шахсан мулоқот қилганлиги ҳақида битим матни ва тасдиқловчи ёзувида ёзиб қўяди.

Мурожаат қилувчи битимни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжати ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилши лозим.

Сурдо таржимоннинг ваколати унга Ўзбекистон Республикаси Карлар жамияти томонидан ва тифло таржимоннинг ваколати Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар жамияти томонидан берилган ишончнома ва хизмат гувоҳномаси орқали аниқланади.

Кар-соқовлик нуқсонни бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, битим унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Битимни имзолаш жараёни аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

## ТЎЛОВ ҚАНДАЙ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ?



— Мерос гувоҳномасини нотариал тартибда расмийлаштиришда тўлов ундириладими?

— Мерос гувоҳномаси беришда нотариус томонидан Ўзбекистон Республикаси "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни билан тасдиқланган давлат божи ставкаларининг миқдорларига асосан давлат божи ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари доирасида ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундирилади.

Гувоҳнома давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи меросхўрларга берилаётган бўлса, уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва уларнинг нусхаси олиб қолинади.

Гувоҳнома, шу жумладан, гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотлар тизимга тўлиқ киритилганидан сўнг нотариал ҳаракат учун ундириладиган тўловлар миқдори тизимда автоматик равишда ҳисобланади.

Тизим орқали тўлов квантициялари (инвойс) нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсга чиқариб берилади ҳамда унинг тизимга киритилган мобил телефони рақамига тўловларнинг миқдори, нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди ҳамда Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони" рақами кўрсатилган SMS хабар йўланади.

Нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар тизимга келиб тушгандан ҳамда нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс нотариал ҳаракатни тасдиқлаш коди нотариусга берганидан сўнг амалга оширилади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот (инвойс) тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига текилади.

**Саволларга Урганч шаҳридаги хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ирода РАХМАНОВА жавоб берди.**

**МАМЛАКАТИМИЗ аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар, жумладан, уларнинг 29 фоизини 14 ёшгача бўлган қизлар, 28 фоизини 15-30 ёшлилар, 21 фоизини 31-45 ёшлилар, 15 фоизини 46-60 ёшлилар, 7 фоизини эса 60 ёшдан ошган хотин-қизлар ташкил этади.**

## ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ — ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ИМТИЁЗ

Бугунга қадар аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 100 га яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган: "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, "Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенция, "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, гайринсоний эки қадр-қимматини таҳрирловчи турларига қарши" Конвенция, "Таълим соҳасидаги камситиларга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенция ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш борасида "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенция алоҳида ўрин тутди. Ушбу Конвенциянинг қуйидаги энг долзарб тавсиялари уни имзолаган мамлакатлар учун мажбурий характерга эга эканлиги эслатиб ўтилган:

- эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини миллий Конституция ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда ушбу тамойилни амалиётга жорий этилишини таъминлаш;
- зарур бўлганда хотин-қизларнинг ҳар қандай кўринишдаги камситилишини таққилови махсус санкцияларни қўлаш;
- хотин-қизларни камситиш характерига эга бўлган мавжуд қонунлар, урф-одатлар амалиётини ўзгартириш учун чоралар кўриш;
- хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан эркаклар билан тенг асосда фойдаланишларини таъминлаш.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш йўналишида алоҳида қонун ҳам қабул қилинган. Хусусан, 2019 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонун Конституциямизнинг 46-моддасида назарда тутилган мақсадларни амалга оширишга хизмат қиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Қонун билан илк бор миллий қонунчилигимизда "гендер" тушунчасига таъриф берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги қарори билан хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия ташкил этилди. Унга раҳбарлик қилиш Олий Мажлис Сенати раисига юклатилди.

2019 йилнинг 30 июль куни Олий Мажлис Сенати Кенгаши Қарори билан Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича кўмига ташкил этилди.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Италияда 1993 йилнинг 4 августида қабул қилинган қонунга мувофиқ, қуйи палатага сайловлар мажоритар ва пропорционал қисмлар ўртасида ажратилади. Бироқ номзодларнинг рўйхати эркак ва аёл алмашув йўли орқали тузилиши керак. Ҳар бир рўйхатда бир жинснинг фамилиясидан кейин қарама-қарши жинсли шахснинг фамилияси келиши мажбурий этиб белгиланган. Агар рўйхатдаги бу тартиб бузилса, округ сайлов комиссияси бундай рўйхат берувчини нормативга мос равишда уни янгидан тузишни тақлиф қилади. Агар шунда ҳам тўғри рўйхат тақдим этилмаса, сайлов комиссияси мустақил равишда рўйхатга керакли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

АҚШ ҳукумати 2016 йилда "АҚШнинг ўсмир қизлар имкониятини кенгайтириш бўйича глобал стратегия"ни эълон қилди. Ушбу стратегия аёлларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни зарур воситалар билан таъминлаш масаласига давлат миқёсида ёндашув йўналишларини белгилаб беради.

Испанияда 2007 йилда қабул қилинган "Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигини тўғрисида"ги қонун аёллар ва эркакларнинг давлат секторидagi кўмиларда ишлашга, сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган тенг ҳуқуқлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу соҳаларда қонунда мажбурий профилактика чоралари ва стратегиялар кўзда тутилган бўлиб, улар тенг имкониятлар учун стратегик режаларни қабул қилиш ва амалга ошириш, тенглик масалалари бўйича идораларо комиссияни тузиш, ҳар бир қонун ҳужжатларининг гендер тенгликка таъсирини баҳолашдан иборат.

### Мамлакатдаги вазият: тенденциялар ва муаммолар

Бироқ Жаҳон Иқтисодий Форуми томонидан эълон қилинган Жаҳон гендер тенглиги индексида Ўзбекистон 127-ўринни эгаллаган.

Бу мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича бир қанча муаммолар мавжудлигидан дарак беради.

Булар аёлларнинг меҳнат бозорида иштирок этиш имкониятлари чекланганлиги (уч ёшгача фарзанди бор аёлларга мактабга таълим муассасалари хизмат кўрсатишининг чекланганлиги), касбий бўлиниш ҳамда аёллар ва эркаклар ўртасидаги тафовут мавжудлиги,

дискриминация хавфи мавжуд бўлган жойда ишлаш учун чет элга чиқиб кетаётганлар, айниқса, зўравонлик эки одам савдоси қурбонига айланиш хавфи бўлган ёш аёллар сонининг ортаётганлигида намоён бўлмоқда.

Масалан, Ўзбекистонда давлат ташкилотларида ҳануз гендер нотенглик кузатилмоқда. Ўзбекистон статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилда иқтисодиёт соҳасида эркакларнинг 61,5 фоизи, аёлларнинг эса 38,5 фоизи меҳнат билан банд бўлган. БМТ маълумотларига асосан, ўрта таълим олган хотин-қизларнинг фақат 35 фоизи олий маълумотли хотин-қизларнинг 68 фоизи иш билан таъминланган.

Маълумот учун: давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик қиладиган аёллар сони 1 минг 400 нафар бўлиб, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимларининг 82 фоизини, таълим-тарбия, санъат ва маданият соҳасида 72 фоизини, қишлоқ ҳўжалигида 45 фоизини, саноатда 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Олий Мажлис Сенатида 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида 16 нафар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркиби эса 1 минг 75 нафар депутат хотин-қизлардан иборат.


Жаҳон тажрибасида Финляндия парламентида 42 фоиз, Норвегия парламентида 41,4 фоиз, Исландия парламентида 38,1 фоиз ва Исроил парламентида 27,5 фоизи хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, аёллар ва эркаклар иш ҳақи ўртасидаги тафовутнинг яна бир омили аёллар устунлик қиладиган таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида иш ҳақи эркаклар улуши юқори бўлган қурилиш, транспорт соҳаларига нисбатан паст.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиши мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим қадамлардан бири саналади.

Шу боис, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг иштирокига тўқинлик қилувчи жамики манфаатларни тенглик тамойили асосида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

**Дилдора АНВАРОВА,**  
Адлия вазирлиги хузуридаги  
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот  
институтини масъул ходими



# НОТИНЧ ОИЛА

ОИЛА ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

## ЖАМИЯТ УЧУН МУАММО

**Ж**амиятимизда минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб келаётган никоҳнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ибодат, оила шаъни ва номусини асраш каби ҳамма бирдек итоат этидиган ҳаётий қонунлар амал қилиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган жамики ислохотлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг бахтли яшашини таъминлашдан иборатдир.

Оилаларнинг, айниқса, ёш оилалар бахтли яшашини учун қўлай шарт-шароит яратиш, хусусан, уларни уй-жой билан таъминлаш, турли ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ўта муҳим бўлиб, келгусида ўз ижобий натижасини бериши шубҳасиз.

Аммо таъкидлаш керакки, инсоннинг бахтли яшашини фақат моддий таъминот билангина ўлчанмайди. Ҳаётий мисоллар ва

таҳлилларга суяниб айтадиган бўлсак, бахтли яшашнинг яна энг муҳим омил маънавият ва ахлоқ масаласидир.

Дарҳақиқат, оиласидан ажрашиб, фарзандлари меҳр-муҳаббатидан жудо бўлган бой одамни бахтли, деб бўлмаганидек, камхаржроқ бўлса-да оиласи, фарзандлари қобил, ўзаро меҳру садоқатли оила аъзолари ни бахтсиз, дея олмаймиз.

Сир эмас, жамиятда маълум бир масалада ўзгаришга эришишда жамоатчиликнинг фикри, муносабати ва саъй-ҳаракати жуда муҳим омил ҳисобланади. Оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, ота-оналар масъулияти ва оиладаги муносабатлар масаласига, айниқса, муаммоли, нотинч оилалар билан ишлашга хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар ташкилоти вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Фикримизча мустаҳкам, рисоладагидек оилалар вужудга келиши масаласига доимий эътибор қаратиш, лозим бўлса, вақтинча, аҳоли орасида ушбу

масалада қатъий тўхтама қелингунга қадар хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда маҳалла фаоллари ва бошқалар томонидан жиддий жамоат назорати ўрнатилиши керак.

Бунда асосий эътиборни мактаб ва олий ўқув юрларида ёшлар маънавиятига, уларни оилага тайёрлаш масаласига қаратиб, айна пайтда бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлилий ўрганиб, уларни такомиллаштириш борасида тегишли чоралар кўриш зарур.

Омма орасида одоб-ахлоқ, нафс тарбияси, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савобнинг сифатлари, инсон ва унинг масъулияти борасида тегишли мутахассислар, адиблар, олим ва файласуфлар, имом хатиблар иштирокида кенг қамровли, тизимли ҳамда таъсирчан тарбиявий иш олиб бориш муҳим ўрин тутаяди.

Тинч ва аҳил яшаб, фарзандларини яхши тарбиялаб, умргузаронлик қилиб келаётган ота-оналар, уларнинг ҳаёт йўли ҳамда бошқалар бахти учун ҳолис ёрдам кўлини чўзаётган инсонлар тўғрисида маълум

мотлар бериб борилиши ҳам жамоатчилик, айниқса, ёшлар маънавияти ва ахлоқига ижобий таъсир этувчи муҳим омил бўлиши мумкин.

Шунинг учун бугун оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари орқали жамоатчилик содир этилаётган оилавий низо ва жиноятлардан хабардор қилиб борилаётганлиги каби, оилалардаги ижобий ҳолатларни ҳам ёритиб бориш лозим. Зеро, ўқувчи, хусусан, ёшларнинг масалага муносабатини шакллантиришда биргина салбий ҳолатларни кўрсатиш эмас, балки ўрнатилган ҳолатларни ҳам улар ҳуқуқига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътиборни оила мустаҳкамлиги нимага олиб келиши, шунингдек, ажралишлар оқибати инсон ҳаётига қандай таъсир этишини аниқ мисолларда, масалан, ажрашган оила аъзолари, ота-она ва фарзандларнинг жиноят кўчасига кириб кетганлиги каби ҳолатларни кўрсатиш керак ва бу ижобий натижа бериши аниқ.

Қачонки, оила аъзолари ўзаро тотув ва иноқ бўлса, улар ўртасидаги муносабатлар азалий қадри-

ятларимизга асосланган бўлса, бу оила бахтли бўлади ва жамият таянчига айланади, бахтсиз, нотинч-носоғлом оила жамият учун муаммолар манбаидир.

Агарда ҳар қандай оила муаммосига “бу менинг муаммом эмас, менга нима” қабилда эмас, аксинча, “бу бизнинг муаммоимиз” деб қарасак, бирини ака, бошқа бирини ука, опам-синглим, десак, зарур маънавий кўмак берсак, оиладаги фарзандларни ўз фарзандимиз қаторида кўрсак ва кимгадир моддий ва кимгадир маънавий ёрдам кўлимизни чўзсак, адашганга тўғри йўлни кўрсатсак ёки далда берсак, натижа, албатта, ижобий бўлади.

Барчамиз оила мустаҳкамлигини таъминлашга масъулмиз. Ана шундагина жамият аъзоларининг бахту саодати йўлида давлатимиз томонидан олиб борилаётган улкан ишларга ҳамоҳанг иш олиб борган, жамият олдидаги бурчимизни мукамал бажарган бўламиз.

**Саида ИСМАИЛОВА,**  
Тошкент шаҳар Яшнобод туман ФХДЭ бўлими мудираси

► Давоми. Бошланиши 1-бетда

## “Мадад” — ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб боришга улгурди

Бугунги кунда мана шундай саволларига жавоб тополмай юрган юртдошларимизга “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти яқиндан мадад бериб, уларга бепул юридик ёрдам кўрсатиб келмоқда.

2019 йил 6 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Адлия вазирлиги томонидан “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали шига туширилиб, “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг туман, шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюралари фаолияти йўлга қўйилди ва бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилиб, аҳолига ҳуқуқий маслаҳат ва

тушунтиришлар тўғридан-тўғри ва онлайн тарзда берилма бошланди.

Ҳозирда Адлия вазирлиги ташаббуси билан илғор чет эл тажрибаси асосида ташкил этилган “Мадад” ташкилотининг 60 та ҳуқуқий маслаҳат бюроси республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Марказий офисга кириб келган Нукус шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Нурья Бердиниязованинг самимий чехрасидан камтарлиги ва тортинчоқлиги билиниб турарди. Уни сўхбатта тортидим. Ундан “Нукусда ишларни яхши бошлаб олдингизми?” дея сўраганимда, у Нукусда фуқароларнинг мурожаатларига жавоб бераётганлигини, шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари, фуқаролик ишлари, маъмурий ва

иқтисодий судлари раислари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Адлия вазири раҳбарлигида сайёр қабулларга ҳам чиқаётганлигини айтди.

Бундан аввал Мўйноқ туманида ишлаган кезларида ҳам Президентимизнинг Мўйноқ тумани халқ қабулхонаси, туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолига беминнат ҳуқуқий ёрдам кўрсатган бу ҳодимимизнинг туман ҳокимлигининг ташақкурномасига сазовор бўлганлиги бизни ҳам қувонтирди.

Одамларнинг дарду ташишларига шерик бўлиш, уларнинг саволларига жавоб бериш ва ҳуқуқий масалада беминнат маслаҳат бериш ўз ишини севган инсонга куч бағишлайди.

— Ҳозир Нукусда ўз муаммоларига

ҳуқуқий ечим топиш учун мурожаат қилиб келаётган фуқароларимиз жуда кўп, уларга ҳам қўлимдан келганча ёрдам бераётганлигимдан мамнунман, — дейди Н.Бердиниязова.

Сафимизда Нурья Бердиниязова каби ўз ишининг фидойилари кўп. Ёшларимиз улардан ўрнатилган арзиди.

**Анора НАРЗИҚУЛОВА,**  
“Мадад” нодавлат нотижорат муассасаси умумий бўлим кадрлар бўйича мутахассиси

### ЭЪЛОН

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 8 январдаги 5-ум-сонли буйруғига асосан Нуркулова Рухшона Дамин қизига малака имтиҳонини топширилганлиги сабабли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги маълум қилинади.

Инсон  
ва қонун

МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри

www.minjus.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

2158 2010-7817

472010784008

Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Аҳбар Жўрабоевич

Рабиев Шерзод Миржалолович

Тожиев Фуқрат Шомировович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустановна

Таҳририятга келган  
кўпмазмалар таҳрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Ёрбек Искандаров  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базисда терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳамда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5000  
Буюртма — V-4516

Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 20:30

### МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.

Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоиси келишилган нархда

1 2 3 4 5

# ҚАРИЯЛАРНИНГ ҚАЗИЛИ



Агата КРИСТИ

— Бу, Мисс Марпл, деди Жейн Хелиер таништирув сўнгиди.

Актриса сифатида у ҳар доим ўйлаганини амалга оширарди. Шубҳасиз, бу тантанали интиҳоннинг олий нуқтаси эди. Унинг овозида аллақандай гурур ва виқор сезиларди. Шуниси ниҳоятда ғалати эдики, тантанавор таништирилган аёл шунчаки жик-какина кампир эди, холос. Икки ёшнинг кўзларида фақат уларни таништирган Жейн хонимга нисбатан хайрихоҳлик, рўпарадаги кекса аёлдан бироз ҳадик акс этарди. Йигит ва қиз бир-бирига жуда муносиб эди. Чармиан Страунт қорасоч, сарвиқомат, Эдвард Росситер эса ёш, самимий, алпкелбат йигит эди.

Чармиан бироз нафас ростлаб, деди:

— О, сиз билан танишганимиздан жуда-жуда хурсандимиз. Унинг кўзларида шубҳа порларди. Қиз Жейн Хелиерга тезгина саволомуз кўз ташлади.

— Азизам, — деди Жейн, унга жавобан, — Мисс Марпл ҳақиқий сеҳргар. Бу ишни унга қўйиб беринг, мен уни бу ерга олиб келишга ваъда бергандим ва ваъдамни бажардим. Кейин Мисс Марплга қараб қўшиб қўйди:

— Ишонманки, сиз уларга ёрдам берасиз, бу сиз учун чўт эмас. Мисс Марплнинг мочул чинни тусидаги кўзлари Мистер Росситерга қадалди.

— Гап нимада эканини тушутириб берасизми?

— Жейн бизнинг дўстимиз, бидирлади Чармиан, — у бугунги зиёфатда бизга ёрдам берадиган одам билан бизни таништиришга сўз берганди.

— Жейннинг айтишича, изкуварлик бобида сизга етадигани йўқ экан.

Кекса хонимнинг кўзлари чақнаб кетса-да, сир бой бермади.

— Йўге, унчаликмас, шунчаки менга ўхшаб қишлоқда яшасангиз, инсон табиати ҳақида кўп нарсалар билиб оларкансиз. Лекин сизлар мени қизитириб қўйдинглар, сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Ишқилиб, бу сизни чўчитиб юбормасин, — деди Эдвард. — Гап яширилган ҳазина ҳақида кетяпти.

— Бу жуда қизиқ!

— Ҳа, биламан. Худди "Ҳазиналар ороли"га ўхшаб. Фақат бу ерда айрим романтик лавҳалар етишмайди. Харитадаги инсон суяқлари билан белгиланган қандайдир нуқталар, "Шимол-Ғарб томондан тўрт кадам чалга", дегандек кўрсаткичлар йўқ. Иш жудаям оддий. Лекин

биз қаерни қазिश кераклигини билсак бўлди.

— Ўзи излаб кўрдингларми?

— Тўғриси айтсак, биз сал кам икки ақр ерни қовлаб ташладик. Энди у жойларни бемалол полизга айлантиса бўлади. Фақат хайронмиз, бу ерга картошка эксакикин ёки бақлажон. Чармиан шошилич савол ташлади: ҳаммасини бир бошидан айтиб берас-чи?

— Албатта, азизим.

— Унда тинчроқ жойга борайлик. Кетдик, Эдвард. Қиз уларни тутунга тўлган гавжум хонадан чоғроқ меҳмонхонага олиб ўтди.

Жойлашиб олишгач, Чармиан гап бошлади:

— Хуллас, гап бундоқ. Ҳаммаси Метью амакимиздан бошланди, аниқроғи, биз иккимиз унинг невараларимиз. У жуда қариб қолган эди. Чолнинг мен билан Эдварддан бошқа қариндоши йўқ эди. У бизни жудаям яхши кўрар, ҳар доим ўлимидан сўнг бутун бойлигини иккимизга тенг қолдиришини айтарди, шу йил мартда у ўлди. Унинг меросини иккимиз тенг бўлиб олишимиз керак эди. Сиз ишонмаслигингиз мумкин, аммо мен унинг ўлимидан қувонмадим, биз амакимизни жуда яхши кўрардик, фақат у анча пайт хасталаниб ётиб қолди. Хуллас бизга ундан ҳеч вақо тегмади. Очиғи, бундан ҳафсаламиз пир бўлди, тўғрими, Эдвард.

Эдвард хайрихоҳлик билан бош ирғади.

— Биласизми, — деди у, — биз меросга қандайдир умид боғлагандик. Агар сен ғойибдан каттагина бойлик келишига ишониб қолсанг, ишлагинг ҳам келмай қоларкан. Мен армияда хизмат қиламан, маошимдан бўлак даромадим йўқ. Чармианнинг ҳам топган-тутгани ҳеч бало бўлмайди. У театрдаги доимий труппада импресарио бўлиб ишлайди, иши ўзига ёқади, лекин бу билан яшаб бўлмайди-да. Биз турмуш қурмоқчи эдик, биз пулдан гап емасдик — бир кун келиб бойиб кетамиз, деб ўйлардик.

— Кўриб турганингиздек, бойлиқдан асар ҳам йўқ! — деди Чармиан. — Қолаверса, Энсти — бизнинг кадрдон мулкимиз. Эдвард иккимиз уни яхши кўрамиз. Лекин уни сотишимизга тўғри келаяпти. Бу эса менга ҳам, Эдвардга ҳам жуда оғир! Нима қиламиз энди, барибир сотамиз-да.

— Чармиан, деди Эдвард, — биз ҳали асосий гапни айтмадик.

— Унда ўзинг айтмоқ.

Эдвард Мисс Марплга қаради:

— Кўрясизми, Метью амаки ра-

ригандан кейин жуда ғалати бўлиб қолди. У ҳеч кимга ишонмасди.

— Бу жуда табиий, деди Мисс Марпл. — Одамзодга ишониб бўладими?

— Метью амаки ҳам шундай фикрда эди. Унинг бир таниши банкирларга ишониб хонавайрон бўлганди, амакимнинг ўзи ҳам қандайдир қаллоб фирманинг найрангига чув тушганди. Ниҳоят, у энг тўғри ва ҳафсиз усул пулни қўйма олтинга айлантириб, кўмиб қўйиш, деган қарорга келди.

— Ҳаа, деди Мисс Марпл, — энди тушунаяман. Дўстлари амакимни йўлдан қайтармоқчи бўлишди, бу усул ҳеч қандай фойда бермаслигини ўқитишди, лекин амаким қароридан қайтмади. У ҳар доим "пулни қўйма солиб, қаровот тағига жойлашинг ёки боққа олиб бориб кўмишинг керак" дер эди.

— У ўлгандан кейин қанчалик бой бўлмасин, ҳеч қандай қиммат-баҳо қозғалар қолдирмади, демак у ўзи айтганидек йўл тутган.

— Биз унинг вақти-вақти билан банкдаги ҳисобидан катта миқдорда пул ечиб олганини сезиб қолдик, — деди Эдвард. — Бу пуллари у нима қилган — Худо билади, лекин бизнингча у пуллари тиллага айлантириб, қаергадир қўмган бўлиши керак.

— У ўлими олдидан ҳеч нарса демасди? Бирор парча қоғозми, хатми қолдирмадими?

— Бизга ҳам шу тинчлик бермаепти-да. У бир неча кун беҳуш ётди, фақат ўлими олдидан кўзини очди. Бизга қараб, мийиғида кулимсиради, "ҳаммаси жойида бўлади, буталоқларим", деди аранг хириллаб. Кейин ун қўзига аста шапатиллаб қўйди. Бечора Метью амаким...

— Кўзига шапатиллаб қўйди? Уйчанлик билан сўради Мисс Марпл.

— Бу бирор нарсани англа-тадими? — сабрсизлик билан сўради Эдвард, — негадир мен Арсен Люпен ҳақидаги ҳикояни эсладим, шиза кўз ичига нимадир яширилганмикин? Лекин Метью амакимнинг кўзи шишадан эмасди.

— Йўқ, ҳозир миямга ҳеч нарса келмаяпти.

— Жейн сизни бу масалани дарров ҳал қилиб беради, деб айтганди, деди Чармианнинг ҳафсаласи пир бўлиб.

— Мен фолбин эмасман — жилмайди Мисс Марпл. Мен амакимизни бирор марта кўрмаганман, уни қанақа одам эканлигини билмайман, уйингизга ҳам бормаганман...

— Агар бориб кўрганингиз-да-чи?

— Унда эҳтимол бу масалани

осонроқ ҳал этган бўлардим, жавоб берди Мисс Марпл.

— Осонгина! Такроплади Чармиан. Унда биз билан Энстига юринг, ўзингиз кўрасиз.

Чамаси қиз унинг таклифи қандай қабул қилинишини ўйламаганди. Мисс Марпл дарҳол рози бўлди.

— Жуда яхши азизам, албатта, бораман! Мен ёшлигимдан ҳазина излашни орзу қилардим, бу иш севишганларнинг фойдасига хизмат қилса, дея қўшиб қўйди аёл ёшларга табассум билан тикиларкан.

— Ана кўрдингизми? — ҳаяжон билан кўл силтади Чармиан.

Улар Энстини обдон тинтиб чиқишганди. Дарахтзордаги ҳар бир қарағайнинг тағи қавлаб ташланган эди. Мисс Марпл сувга тўлиб турган чуқурчаларга маҳзун тикилди. Улар чордоқдаги эски қути ва сандикларни, ер тўладаги жойидан кўчирилган плиталар остини ҳам кўриб чиқишди. Деворни ҳам тақиллатиб кўришди. Мисс Марплга эски мебелларнинг ичи, ён-атрофларини ҳам кўрсатишди.

Ётоқхонадаги стол устида марҳум Метью Страунтдан қолган бир боғлам қоғоз турарди. Уларнинг бирортаси йўқолмаган, Эдвард билан Чармиан одатларига кўра, қайта-қайта бу қоғозларни титқилашар, улар орасидаги ҳисобварақлар, таклифномалар, ёзишмаларни кўздан кечиришарди.

— Балки биз ниманидир кўздан қочиргандирми, умид билан сўради Чармиан.

— Эҳтимол. Лекин бундай бўлишига кўзим етмайди, — бош чайқади Мисс Марпл. — Мен ҳар доим режа бўйича ҳаракатланишни яхши кўраман, масалан, дугонам мисис Элдричининг ажойиб хизматкори бор эди.

У линолеумни ҳафсала билан тазаларди. Ҳатто бир кун ишига чандон берилиб, линолеумни шунақа ялтиратиб ташлабдики, мисис Элдрич ваннадан чиқаман деб, сирпаниб кетган ва оёғини синдириб олган. Энг ёмони ваннахона эшиги ичкаридан тамбланган, боғбон эса уйга нарвон орқали деразадан киришга мажбур бўлган. Мисис Элдрич анча қийналганди ўшанда.

Эдвард кўзгагиб қўйди.

— Маъзур тутасизлар — деди Мисс Марпл шошилиб. — Мен тез-тез гапдан чалғиб тураман. Гап бир-бирига улашиб кетавради-да, айтмоқчийдимки, агар ўйлаб қарасак...

— Нимасини ўйлайсиз, Мисс Марпл, сабрсизланди Эдвард.

— Биз Чармиан билан ҳаммасини ўйлаб чиққанмиз.

— Азизим, агар қарши бўлмасангиз, мен бу қоғозларни қуриб чиқсам.

— Албатта, уларда ҳеч нарса йўқ. Илтимос, мени ўта қизиқувчанликда айбламасангиз.

— Албатта, лекин бундан бир иш чиқмайди.

Аёл стол қаршисига ўтириб, ҳужжатларни ўзи томон сурди. Кейин уларни тартиб билан тера бошлади. Сўнг Мисс Марпл бир неча дақиқа бу қоғозларга термулиб қолди.

— Нима бўлди, Мисс Марпл, — Эдварднинг тоқати тоғ бўлди. Аёл сесканиб кетди.

— Маъзур тутинг, қоғозлар менга фойда берди.

Сиз ишга алоқадор бирор нарса топдингизми?

— Йўқ, унчаликмас, лекин сизнинг амакимиз менинг Генри тоғамга ўхшаб кетаркан. У шунақа қутилмаган ҳазиллари ёқтирарди. Чамаси, ёшлиғида жуда шўх бўлган. Ҳа, одатда бўйдоқлар шунақа бўлишади.

Мисс Марплнинг елкаси оша Чармиан Эдвардга қараб, чаккасини нуқиди. Кампир эса ҳамон ўлган тоғаси ҳақидаги ҳикояни завқ билан давом эттирарди.

— Тоғам сўз ўйини одамларнинг гашини келтиради. Тоғам ҳам жуда бадғумон эди. Ҳар доим хизматкорлари ниманидир ўмариб кетишдан хавотирда эди. Кўпинча унинг хавотири ўринли бўлиб чиқарди. Кейинчалик бечора овоктамга бирор нарса қўшиб беришмасин, деб қайнатилган тухумдан бошқа ҳеч нарса емай қўйди. Унинг айтишича, қайнатилган тухумга ҳеч нарса аралаштириб бўлмас эмиш. Бечора Генри амаким.

Бир пайтлар у қандай хушқаҳқоқ одам эди-я. Айниқса, тушлиқдан сўнг қаҳва ичишни ёқтирарди. Базидида қаҳваларнинг бироз суюқроқ бўлибди, деб кўярди.

Эдвард кампир Генри тоғаси ҳақида яна бир оғиз гапирса, портлаб кетишини тушунди.

— У ёшларни унча ёқтирмасди, — давом этди Мисс Марпл.

— Тўғри, базидида конфетларни қўл етмас жойга беркитиб, болалар билан ҳазиллашарди.

— Тўғриси айтсам, тоғангиз ғирт беъман одам экан, деди Чармиан самимиятни четта суриб.

— Тўғриси айтсам, тоғангиз ғирт беъман одам экан, деди Чармиан самимиятни четта суриб.

— Тўғриси айтсам, тоғангиз ғирт беъман одам экан, деди Чармиан самимиятни четта суриб.

— Тўғриси айтсам, тоғангиз ғирт беъман одам экан, деди Чармиан самимиятни четта суриб.

— Тўғриси айтсам, тоғангиз ғирт беъман одам экан, деди Чармиан самимиятни четта суриб.

— Тўғриси айтсам, тоғангиз ғирт беъман одам экан, деди Чармиан самимиятни четта суриб.